



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/oiss>

"SCORPION FROM THE ALTAR" IS A REFLECTION OF ASCETICISM IN THE NOVEL

Urak Lafasov

PhD, associate professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: lafas1963@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Scorpion from Mihrab, Turon, askiya, rhyme.

Abstract: The article talks about the analysis and information about the reflection of Askiaism in the novel "Scorpion from the Altar".

Received: 20.08.22

Accepted: 22.08.22

Published: 24.08.22

“МЕХРОБДАН ЧАЁН” РОМАНИДА АСКИЯЧИЛИКНИНГ АКС ЭТИШИ

Урак Лафасов

PhD, доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: lafas1963@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Мехробдан чайён, Турон, асия, қофия.

Аннотация: Мақолада “Мехробдан чайён” романнда асиячиликнинг акс этиши ҳақидаги таҳлиллар ва маълумотлар ҳақида сўзланган.

«СКОРПИОН ИЗ АЛТАРЯ» — ОТРАЖЕНИЕ АСКЕТИЗМА В РОМАНЕ

Урак Лафасов

PhD, доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: lafas1963@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Скорпион из Михраб, Турон, асия, рифма.

Аннотация: В статье говорится об анализе и информации об отражении асия в романе «Скорпион с алтаря».

КИРИШ

Ўзбек халқи дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк миллатлар сирасига киради. Улуғ жаҳонгир ва соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг қуидаги фикри ҳам буни тасдиқлайди: *Бизким – мулки Турон, амири Туркистонмиз, бизким – миллатларнинг энг улуги Туркнинг боши бўгинимиз!*” Халқ оғзаки ижодимизга тегишли асарлар эса Ёфас ибн Нух давридан шакллана бошлаган. Жумладан **аския санъати** намуналари ҳам туман асрлардан бери мавжуд бўлиб, унинг дастлабки шакли уруғчилик даврида пайдо бўлган. Халқ оғзаки адабиётимиздаги аския жанри ўзининг узоқ ўтмишга эгалиги, такрорланмаслиги, фақат ўзбек миллатига хослиги билан ажралиб туради. Кўпгина асқиялар халқ оғзаки ижодининг йирик намунаси бўлган достонларимиз орқали ҳам етиб келган. “Алпомиш”, “Кунтуғмиш” каби халқ достонларида ҳам асқияга хос қочиримлар, сўз ўйинларига бой парчалар бор. Демак, аския умрбоқий ўзбек миллий санъати намуналаридан бири ҳисобланади. Аслида **аския** (*арабча “закий” сўзидан олинган бўлиб “заковатли, зеҳни ўтқир”, бу сўзниң кўплиги “азкия”*) – ҳозиржавоблик асосида пайдо бўлган, топқирлик ва бадиҳагўйликка таянадиган хушчақчақ кайфият улашувчи халқ оғзаки ижоди жанридир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Аския бир неча киши ёки айрим гурухнинг халқ йигинлари (*тўй, сайил, тадбир*) да белгиланган мавзуу бўйича бадиий сўз ўйин-мусобақасидир. Асқиянинг *пайров*, қофия-радиф, тугал, ўхшатдим, бўласизми?, баҳри байт, сафсата, “гулмисиз, жамбилимисиз, раҳиҳонмисиз”, ширинкорлик, афсона, раббия, лақаб каби турлари бор. Бундан шу нарса аён бўладики, аския санъати ўзининг ранг-баранглиги билан ҳам бошқа жанрлардан ажралиб туради. Айрим адабиётшунослар аския алоҳида жанр сифатида XV асрда шаклланганлигини эътироф этишади. Бунга далил сифатида мавлоно *Абдулвосеъ муниший*, *Мир Сарбираҳча*, *Мавлоно Бурҳони ланг*, *Саид Фиёсиддин шарфа*, *Мавлоно Халил Саҳоф*, *Муҳаммад Бадахший* каби асқиячиларнинг ижод намуналарини келтиришади. Алишер Навоийнинг “**Мажолис ун-нафоис**” каби асарида ҳам асқияга хос қочиримлар, сўз ўйинларига бой парчалар бор эканлиги қайд этилган.

Буюк ўзбек адиби, жаҳондаги олтинчи ўзбек миллий романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирийдек ўз миллатини қадрлаган, миллий ҳаётни чукур билган зотни топиш қийин. Ёзувчи иккинчи романи “**Мехробдан чаён**” нинг муқаддимасида шундай ёзган эди: “... ўзбек ҳаёти, қизиқчилиги, танқидчилиги, ўзбек хотин-қизлари орасидаги истеъдод, шоиралар, азкиячиллик ва бошқа яна кўб нуқталарни қамраб олинди”. Адаб романининг кўп жойларида аския, қизиқчилик санъати намуналарига хос

услубдан фойдаланган. Асия қадимий ва оммабоп жанр бўлиб, ўз сюжети ва композициясига эга. Бу жанр тилимизнинг жуда бой имкониятлари мавжудлигини кўрсатадиган санъат тури ҳисобланади. Асияда *ийҳом* (сўзни икки маънода қўллаш) санъати ишлатилади.

1. Абдулла Қодирий шоир бўлмаса ҳам романга киритилган шеърларни ўзи ёзиб ийҳом санъатидан моҳирлик билан фойдаланган ва асиянинг “*қофия-радиф*” туридан моҳирлик билан фойдаланган. Жумладан: *Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси, Насиб ўлмиши менга гулшан аро гулларнинг Раъно*“си. Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидин, Не баҳт, Раъно харидоринг талаб аҳлининг “Мирзо”си. Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интихосидин, Мени ҳам эттаса мажнун дебон Раънонинг савдоси. Муҳаббат жомидин нўши айлаган аҳли зако бўлмиши, Фунуни тибда мажнундир кишининг куйса сафроси.

2. Абдулла Қодирий наср устаси сифатида асиянинг “*ширинкорлик*” туридан фойдаланиб ийҳомни тасвирга сингдириб юборган. Масалан: – *Агар шу гал ҳам енгсам, – деди Анвар ачиниб, – мен сени уруб ўлтурмас эдим... – Нима қиласар эдингиз?* – Энди фойдаси йўқ. – *Айтинг-да, агар менга ҳам маъқул бўлса, урганим ҳисоб эмас, бўшиқина урдим-ку.* – *Лекин сен уни қилолмайсан...* – *Нега қилолмайман, қани айтинг-чи.* – *Қилолмайсан...* – *деб қулди ва бир оз айтишка қучланиб турди.* – *Мен... мен сенинг юзингга қўлим билан эмас, оғзим билан урад эдим...*(118-бет)

3. Абдулла Қодирий асиянинг “*сафсата*” туридан ҳам фойдаланган. Масалан: *Шаҳодат муфти оҳистагина ёнидаги Абдураҳмонни туртиб қўйди ва Анварга ишиорат қилиб, “ана аҳвол” дегандек илжайди. Яъни унинг ҳаракати “кўрдингми мирзобошини, қўлидан маҳзар ёзиш ҳам келмайди” мазмунида эди. Мулла Абдураҳмон оҳиста боши кўтариб кулемсиди. Бу гапдан хабардор бўлиб ўлтурган Калониоҳ мирзо “қўлини оғзига карнай қилиб Анварга тўғрилади, яъни, жиртак чалди”.* Шу ҳолда эшикдан Султонали мирзо кириб, Калониоҳга тикилиб қолди... – *Маймунлиқ муборак!* (192-бет).

Абдулла Қодирий ўз асарига ўзбек қизиқчилик санъатининг намуналарини киритиб, бу билан хон замонларида ҳам адолат мезонларининг айрим жиҳатлари мавжуд бўлганлигини таъкидлайди. Романнинг икки бўлими (“Хон кўнгил очмоқчи”, “Қизиқлар”) да ушбу санъат орқали давлат раҳбари (хон) нинг қизиқчилари хукумат амалдорларига тегишли нуқсон ва камчиликларни очиқласига образли шаклда кўрсатиб берган. Қизиқчилик анъанавий ўзбек халқ оғзаки ижодининг драматик тури ҳисобланади. Ижроқиси қизиқ (қизиқчи), тўда бошлиги, корфармон деб аталган. Қизиқчилар ўз ижодида кўпроқ ўйноқи сўз санъатига таянган ҳолда поэтик ижод, тил бойлиги, асия ва

мумтоз адабиёт намуналаридан усталик билан фойдаланганлар. Қизиқлар муайян ролда ўйнаганда характерга яраша либосларда чиқса-да, одатда *қизил, сарик, жигарранг* ёки *куроқ* камзул кийганлар. Уларнинг ҳаракати, кийиниши ва гаплари мухлисларда қизиқиш уйготиши лозим бўлган. Романдаги қизиқчилик билан боғлиқ воқеалар тасвири китобхонни оҳанграбодек ўзига тортади. Кўқон ҳукмдори Худоёрхоннинг *Зокир-гов, Бахром, Бахтиёр, Давлат* исмли қизиқчилари бўлган. Улар ҳукмдор олдида ва хон саройида ўз мақомига эга бўлган:

1. **Зокир-гов қизик.** Ёзувчи унинг хон ва аъёнлар олдига чиқиши қуйидагича тасвирлайди: *Бордон ичидан узун бўйлик, қора соқоллик, устида малла тўн, симоби бўз салласининг пешини бир қарич осилтирган бир киши чиқди; тамкин, виқор билан биттабитта юриб келиб, зина ёнида хонга қарши тўхтади. Хондан тортиб ҳаммага табассум туси кирган эди. Киши хонга қарши турган ҳолда салласини тузатди, соқол-муртини силади, тўнини қоқиб, олдини ўради, сўнгра хотиржамъ рукуъга борди. Бирдан хон ва раият кулиб юбордилар. Бу киши Худоёрнинг энг яхши кўрган қизиги Зокир-гов эди* (181-бет). Адаб Худоёрхон томонидан Зокир-говга давлат аҳамиятига эга масалаларни танқид қилиш хуқуки берилганлигини асиянинг “**қофия**” ҳамда “**сафсата**” турлари орқали кўрсатиб берган: *Удайчи: – Арзинг бўлса, додрас ҳузуридасан, гапур! ... – Жанобни ва шу қадар раъиятни маътал қўйма! – Хе-хе-хе!* – деб кулди Зокир-гов. – *Сизлар ҳар кун минглаб кишини ўрда тегида маътал қўйганларингизда, мен бир нафас маътал қўйсан, хе-хе-хе!.. Тақсир, сизга арз! Хон, “айт” деган каби бош иргатди. – Тақсиримга биринчи арз шуки, – деди Зокир-гов, – ёнимда турган шу бақа афтни мендан нари қилсангиз, зеро, бунингизнинг дагдагаси сизницидан ҳам ўтадиган кўринади!* (Кулги) (182-бет). Абдулла Қодирий мамлакат келажаги билан боғлиқ масалаларни танқид қилар экан, қизиқчи Зокир-гов воситасида асиянинг “**тугал**” ва “**ширинкорлик**” турларидан фойдаланган ҳолда мазкур ҳолатларни очиб берган. Масалан: *Бир вақт бордон эшигидан барорас тўн кийиб, ўнг қўлига асо ушлаган ва сўл қўлида адрас рўймолга тугиклик китоб кўтарган, шайхулислом Валихон тўра (Зокир-гов)* кўринди. Шайхулислом каби қадди бир оз букик ва қадам қўйшиши ҳам Валихон тўрадек икки тарафка мойил эди. Барчанинг кўзи ва дикқати ҳар икки шайхулисломда бўлди. Хон ёнидағи ҳақиқий шайхулислом эса қип-қизарган ва ҳар он “**тавба**” деб қўяр эди. “**Шайхулислом**” йўл устида тўхтади ва ерда тушиб ётқан бир нарсани асосининг учи билан текшириб кўрди ва уни туртиб четка чиқаргач, йўлида давом этди (188-бетлар). ... мулла *Бахтиёр* чиқиб келди; “**шайхулислом**” қаршиисига келиб, салом берди. – *Ваалайкум ассалом!* – деди “**шайхулислом**” ва келгучининг апти-бошига қараб олди. – *Шинед, бачча, шинед!* Бахтиёр ўлтурди. – *Хўш,*

*писар, чи гап? – Тақсир... сизга...арзим бор эди... Подиоҳимиз янги мадраса бино қиғанлар, деб илм талабида қишилоқдан тушкан эдим; бир ҳужра берсангиз, деб сизга арзга... – Хўб, хўб... Шумо гужойи? – Тақсир, Олтиариқдан... – Аттанг, аттанг, – деди “шайхулислом”, – барвақтроқ келмабсиз-да, бачча, акун ҳамма ҳужраларга жой йўқ, муллабаччалар жойлашиб қолган. – Муллаларнинг арасига қўйсангиз ҳам бўлавуради менга, — деди тавозиъланиб Бахтиёр. – Биз қишилоқ одами... сиқилишисақ ҳам ётавурамиз, тақсир! – Хўб, хўб... Акун ҳужраларимиз муллабаччалар минан беҳад тўлган, ҳолонки **бир тариқ ҳам сигмайди, биз дуруг сўзламаймиз**, бошидон... Бахтиёр (муллабачча) маъюс фотиҳа ўқуб “шайхулислом” ҳузуридан кетди. “Мирзо Ҳамдам” кафшини туфлаб, тозалаб бўлгандан кейин “шайхулислом”нинг қаршисига ўлтурди. Нариги ёқдан “шайхулислом” рўбарўсига **Давлат** келиб тўхтади. – Ассалому алайкум, тўра почча! – деди Давлат ва кафшини ешиб келиб, “шайхулислом” билан қўл олишиб кўришиди. – Хўб саломат, оғият хастедми, тақсир? – Худоро шукур, худоро шукур. Давлат рухсат, фалон кутмай “шайхулислом” нинг ёнига ўлтуриб олди. – Ба жсаноб арз... – Бисёр хўб, арз кунед. – Очик гав: бизга бир ҳужра берсалар, деб келдик-да, тўра почча! – Хўб... Гужойи? – Тақсир, ҷустий, ба жсаноби шумо ҳамшаҳрий. – Яъни писари ки? – Писари усто **Муҳаммад собунгар**. – Хўб, хўб, – деди “шайхулислом” ва “мирзо Ҳамдам”га буюрди, – ба ҳамин одам як ҳужра додан гир! Давлат дуо қилиб “шайхулислом” ҳузуридан кетди. Кўқонлиқ муллабачча рўлида **Бахтиёр** келди. Унга яна: “**Биз дуруг сўзламаймиз, мадрасамизга бир тариқ ҳам сигмайди**”, деган жавоб бериб жўнатилди. **Давлат** яна ҷустлик **бир толиби илм** бўлиб келган эди, “мирзо Ҳамдам” орқалиқ “**додан гир!**” буйрги берилди. Қаттиғ кулги кўтарилди. Хон ва домла Ниёзнинг кўзларига ёшлар чиқди. Аммо шайхулислом дам-бадам манглай терини артиб олар эди. Зокир-гов хонга қуллиқ қилиб, шогирдлари ёнига борди. Хон ва раъият янги қизиқлиқни кутиб қолдилар (189-191-бетлар). Хоннинг энг яхши кўрган қизифи давлат ва жамият аҳамиятига молик ҳар қандай нуқсон ва камчиликни бемалол танқид қила олган.*

2. Бахтиёр қизик. Ёзувчи мулла Бахтиёр хоннинг кундалик қизифи эканлигини таъкидлар экан, унинг ташқи кўринишини қуидагича тасвирлайди: Чиққанлардан бири **пак-пакана, юм-юмалоқ, лўп-лўнда бир маҳлук** эди. Унинг гавдаси бу қадар “келишикан” бўлиши устига, башараси ҳам шунга монанд тушкан, томогининг остида **чўгурни қовундек бўқоқ** говлаб ётар эди. Унинг гавдаси **мисоли бир гупчак** бўлса, шу гупчакнинг юқорисига катта бир сув **қовоқни бош** бўлсин, деб ўрнатқан эдилар. Ва бу **ялтир қовоқнинг** бетида **қўз бўлиб, қуёйда қовжираған иккита гўлун туршак, оғиз** ерида бир **кафиш, бурун ўрнида юқорига қараб ўрмалаган баҳайбат бир қурбақа ва қулоқ мақомида**

сув қовоқнинг икки бағрига тирадан икки **ошлов** турар эди. Қоши ва бошдағи соч тұғрисида оғиз очиб бўлмас, аммо **беш-үн тук**, яъни **соқол-мурт** гира-шира кўзга чалинар эди. Сепкил ва чечак дози бу бетни “музояқакор” қилиб кўрсатканидек оёғидаги чориқ, устидаги қисқа, эски алак чопон, белидаги беш-үн айлантириб боғланган бўз белбоқ, бошининг учдан бир қисмигагина қўниб ўлтурган тор **пилта тўппи** бир “ҳусн”га яна бир юз “ҳусн” қўшиб арз қиласар эди. Бу маҳлуқ доимий ўрдада турадирган эди (184-бет). Демак, хон қизиқчиларнинг қиликларидан завқ олган ва мамлакатдаги камчиликларни уларнинг ҳажвиялари орқали билиб олган.

3. **Давлат** қизиқ. Адиб хоннинг Давлат исмли қизигининг суратини қуидагича баён қилган. **Жуда узун бўйлиқ, гилай кўзлик, ажина қошиқдек юзлик**, қотма, ўзининг бўйидан ҳам узунроқ тўн ва бошига қаландар кулоҳи кийиб, яланг оёғ, ўрта яшар эди (185-бет). Асарда қизиқчиларнинг ташки кўриниши кишиларда кулгу кўзгаса, кийиниши жамиятдаги нуқсонларга ишора берган.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Абдулла Қодирий ўзининг “Мехробдан чаён” романыда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари асия ва қизиқчилик санъати намуналаридан ўз ўрнида ва унумли фойдаланган. Бу билан қадим ўзбек давлатчилигига адолат мезонлари мавжудлигига ҳам ишора қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. – Т. “Фан”, 1965.
2. Мухаммадиев Р. Асия. – Т., 1970.
3. Қодиров М.Х. Ўзбек халқ томоша санъати. – Т., 1981.
4. Жўраев М, Собитова Т. Асияда ижрочилик маҳоратини ошириш йўллари (методик тавсиянома). – Т, 1985.
5. Сайд Анвар. Мухиддин Дарвеш. – Т. “Шарқ”, 2006.
6. Lafasov, U. (2021). The Migration of the Japanese from the Center of Turan to the East. *Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol*, 27(1).
7. Lafasov, U. P. (2020). Relationship Between Turks And Japanese. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 9(2), 3935-3938.
8. Lafasov, U. P. (2021, December). THE HARMONY OF WORDS AND IMAGES IN THE WORK OF ABDULLAH QADIRI. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 98-101).
- 9.ЛАФАСОВ, У. П. (2021). THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN THE INTERVALUE-CENTER OF TURON. *Иностранные языки в Узбекистане*, (1), 264-275.

- 10.Лафасов, У. (2020). Али Кушчи и его научное наследие. *Turkic Studies Journals*, 2(1), 53-62.
- 11.Lafasov, U. P. (2020). The King of Uzbek Prose. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(05).
- 12.ЛАФАСОВ, У. П. (2019). ABDULLA KADIRI'S DISCOVERY AND SKILL OF USING WORDS. *Иностранные языки в Узбекистане*, (6), 200-212.
- 13.Лафасов, У. П. (1996). Способы выражения субъективной модальности в диалогической речи.
- 14.LAFASAOV, U. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙИЖОДИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИФ. *Avrasya Uluslararası Araştırmalar Dergisi*, 5(11), 93-99.
15. Karimov, N. (2022). IMPORTANCE OF STUDYING AND PROMOTING ORIENTAL CULTURE AND HERITAGE. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 2(03), 28-33.
16. Karimov, N. (2022). THE CENTRAL ASIAN RENAISSANCE OF THE IX-XII CENTURIES IN THE EYES OF FOREIGN RESEARCHERS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(03), 28-45.
17. Ziyamuhamedov, J. (2021). ARTISTIC DETAILS IN PU SUNG-LING'S CREATIVE STYLE. *Philology Matters*, 2021(1), 22-36.